



CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL AND APPLIED SCIENCES ISSN: 2660-5317

Special Issue, 2022 ||

*"Challenges and Innovative Solutions of Life Safety in Ensuring
Sustainability in Economic Sectors"*

FIRE INSURANCE IN THE EVENTS OF FIRE FOREIGN EXPERIENCE

Sabirov Erkaboy Erkinbaevich

(PhD), Associate Professor,

(Head of the Academy of the Ministry of Emergency Situations of the Republic of Uzbekistan)

Kurbanbaev Shuhrat Ergashevich

candidate of technical sciences, junior researcher

(Deputy Head of the Institute for Fire Safety and Emergencies Research of the Ministry of Emergency Situations of the Republic of Uzbekistan)

Shukurov Aminjon Ruzibaevich

(Head of the Finance and Economics Department of the Academy of the Ministry of Emergency Situations of the Republic of Uzbekistan)

Received 13th Feb 2022, Accepted 15th Mar 2022, Online 7th May 2022

Annotation: *This article examines the establishment of a state insurance system in developed countries such as the United States, the United Kingdom, Germany, France and Japan to insure against fire accidents today. In the future, studying the foreign experience, the issue of insuring the members of the volunteer fire brigade organized in the neighborhoods was highlighted as an important task, and there were offered a number of solutions.*

Keywords: *insurance companies, insurance, fire, accident, compulsory insurance, insurance relations, insurance policy, fire safety, fire risk, insurance premium, fire insurance event, indirect damage, insured, fire insurance, international insurance market, health insurance, property insurance, business risk insurance, fire prevention, voluntary fire protection service, departmental fire service.*

Introduction. Ривожланган мамлакатларнинг молия-кредит тизимида суғурта компаниялари энг

муҳим аҳамият касб этади. Суғурта миллий иқтисодиёт ривожланишини таъминловчи омил саналиб, суғурта ташкилотлари турли нохуш ва кўнгилсиз воқеалар натижасида юзага келадиган зарарларни коплаш мумкин. Бу орқали эса иқтисодиёт субъектларининг молиявий жиҳатдан барқарор фаолият юритишлари таъминланади. Фуқаролар ҳаётида ёнғин билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар рўй берганда суғурта уларга моддий кўмак берувчи муҳим молиявий дастак бўлиб ҳисобланади.

Ёнғин билан боғлиқ вазиятларда юзага келадиган бахтсиз ҳодисалардан суғурталашнинг хорижий тажрибаси ривожланган давлатлар мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, ҳозирги кунда жаҳонда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея, Япония, Сингапур давлатлари суғурта бозорида суғурта тизими ривожланган мамлакатлар ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби ишлаб чиқаришнинг гуркираб ривожланиши, барқарор иқтисодий ўсиш, пировардида бу мамлакатларда оддий аҳоли турмуш даражасининг фаровонлиги суғурта ишининг тараққий этиши учун замин яратди.

Main part. Сўнги йилларда АҚШ суғурта компаниялари жаҳон суғурта бозоридаги етакчи мавқега эга. Статистик маълумотларга қараганда, Американинг энг йирик 100 та саноат корпорацияларидан 27 тасида суғурта компанияларининг вакиллари Директорлар кенгашини бошқарган. Бу кўрсаткич бўйича суғурта компаниялари фақат тижорат банклари ва инвестиция компанияларидан кейинги ўринда туради. АҚШда фаолият кўрсатаётган деярли барча суғурта компаниялари ёнғинга қарши суғурталаш таклифини илгари сурмоқда [5].

Бугунги кунда Буюк Британияда ёнғинга қарши мажбурий суғурта муносабатлари қонун кучи билан амалга оширилади. Суғурта муносабатлари давлат томонидан жамиятни бошқаришнинг иқтисодий дастакларидан бири ҳисобланади. Бунинг учун таваккалчиликларни баҳолашни мустақил амалга оширувчи компаниялар ташкил этилган бўлиб, улар корхоналарни текширадилар ва суғурта полиси берилишига рухсат берадилар. Ўз навбатида бу корхонанинг хавфсизлик ҳолатидан келиб чиқади. Шу сабабли корхоналар фаолият бошлаши учун ёнғин хавфсизлиги ҳолатини таъминлаши талаб этилади. Бу эса корхонанинг ёнғин хавфсизлигини таъминлашдан манфаатдорлигини англатади.

Германияда ёнғинга қарши солиқ мавжуд, ундан олинган даромад ёнғинга қарши кураш, ҳар хил турдаги ҳимоя ва хавфсизлик чораларини ривожлантириш (молиялаштириш) учун йўналтирилади. Биринчи навбатда бу усул маъмурий шаҳар ва жойлар учун қўлланилади. Бир қанча жойларда ёнғинга қарши солиқ ёрдамида ички хавфсизлик ҳамда фалокатли ҳодисаларни бартараф этиш ва улардан келган зарарни камайтириш чора-тадбирларини таъминлаш йўналиши молиялаштирилади. Солиқ ундириш объекти “ёнғинга қарши” суғурта тўлови ҳисобланади. У ёнғин юзага келиши сабабли ишлаб чиқаришдаги тўхтаб қолишларни ҳисобга олганда ҳамда бино (иншоот)ларнинг ва уй жиҳозларининг комплекс суғуртаси ҳисобланиб, ёнғин таваккалчилигидан ҳимоялади. Ёнғинга қарши солиқ, бино

(иншоот)лар ва уй жиҳозларини ёнғин таваккалчилигидан ҳимоялаш учун суғурта мукофотини олиш ҳисобидан шакллантирилади, суғурта мукофотининг таваккалчилигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Бугунги кунда ёнғинга қарши солиқ миқдори суғурта миқдорининг 8 %ни ташкил этади. Солиқ тўловчи бу суғурта компанияси ҳисобланади. Улар мустақил равишда солиқ миқдорини ҳисоблаб чиқади ва уни тегишли молия органига ўтказишади. Бироқ суғурта қилдирувчига суғурталовчи томонидан суғурта мукофотининг кўпайтирилиши оғирлик қилиши мумкин.

Ёнғинга қарши суғурта корхонани турли моддий йўқотишлардан ҳимоя қилади. Ёнғинга қарши суғурта ҳодисасига яшин уриши, портлаш ҳам киради. Муассасалар, корхоналар, омборхоналар, корхона ускуналари, маҳсулотлар, пул, қимматбаҳо қоғозлар ёнғинга қарши суғурта қилиниши керак. Билвосита зарарлар, яъни тозалик ишлари учун, конструкцияларни ажратиш, ёнғин ўчириш, ҳамда кутқарув ишлари ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ишлари бундан мустасно. Ёнғиндан суғурта суғурталанувчининг ёнғин юзага келганда учинчи шахс етказилган зарарни ҳам амалдаги шартнома доирасида қафолатлайди.

Францияда ёнғинга қарши суғурта ҳам яхши ривожланган. Бундан ташқари, ҳаётни суғурталаш шартномалари, ҳаттоки, почта орқали сотилади. Қишлоқ жойларда ва кичикроқ шаҳарларда, почта бўлимлари, нафақат почта хизматини, балки суғурта, банк хизматларини ҳам кўрсатади. Улар банк ҳисоб варақларини юритадилар, жамғарма ҳисоб варақларини очадилар ва бой бўлмаган аҳоли учун ўзига хос банкирлар ҳисобландилар.

Японияда ёнғинга қарши суғурта муносабатлари мажбурий тартибда қонун кучи билан амал қилади. Япония сейсмик фаол, зич аҳолига эга бўлган, шунингдек, саноати ривожланган давлат бўлганлиги ҳамда турли табиий офатлар рўй бериши юқори бўлганлиги каби омиллар у ерда ёнғинга қарши мажбурий суғуртага эҳтиёжни ошириб юборди. Шу сабабли илк суғурта компаниясининг вужудга келиши ҳам айнан ёнғинга қарши суғурта билан боғлиқ.

Японияда хавфсизлик масаласи биринчи навбатда аҳамиятлидир. Шунингдек, ҳар қандай зарарни баргараф этишда суғуртадан тўла ва самарали фойдаланиш тизими йўлга қўйилган ҳамда бу ўринда ёнғинга қарши суғурта муносабатлари алоҳида аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, хорижий мамлакатларда суғурта халқаро суғурта бозорининг таркибий қисми ҳисобланади. Суғурта ёрдами билан ялпи миллий маҳсулотининг 8-12 фоиз тақсимланади. Суғурта бадаллари йирик инвестицияларнинг манбаи ҳисобланади ва суғурта фондларидан давлат қарзларини тўлашда ҳам фойдаланилади [5].

Кўпчилик мамлакатларда суғурта марказлаштирилмаган ҳолда бошқарилади. Ҳозирда суғуртани бошқаришни марказлаштирилган ҳолда ташкил қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бунинг учун зарар кўрган суғурта ташкилотларини фаолияти устидан назорат кучайтирилмоқда.

Жаҳон миқёсида мамлакатлар ўртасида суғурта алоқаларини кучайтиришда қайта суғурталаш операцияларини янада ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бугунги кунда дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатларда суғурта компаниялари ҳар хил суғурта турлари бўйича суғурта хизматларини кўрсатиб келмоқдалар. Масалан, соғлиқ суғуртаси, мулк суғуртаси, тадбиркорлик таваккалчилик суғуртаси, фойдани камайиш таваккалчиликларини суғурталаш, турли хилдаги жавобгарликларни суғурталаш, ёнғинга қарши суғурта ва ҳоказо. Ҳамда турли соҳалар манфаатларини инобатга олган ҳолда суғурта компаниялари турли кўринишдаги суғурта турларини жорий қилмоқдалар.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда истиқлол йилларида изчил амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида аҳоли ҳаёти ва соғлиғи, давлат мулки, жисмоний ва юридик шахслар мулкининг ишончли ҳимоясини таъминлайдиган яхлит ёнғин хавфсизлиги тизими шакллантирилди, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ёнғинлар профилактикасини амалга ошириш, содир бўлган ёнғинларни самарали бартараф қилиш бўйича давлат миқёсидаги бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва ижрога қартилди. Жумладан, “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим ўрин эгаллади, ёнғиндан сақлаш хизмати ва уларнинг бошқа турлари (идоправий ва кўнгилли) учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Ёнғин зонасида қолган одамларни ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини қутқариш ишларида фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида Давлат ёнғин-қутқарув хизмати ёки идоравий ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари мавжудлигидан қатъий назар, ташкилотларда, аҳоли пунктларида ва бошқа ҳудудларда кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари ташкил этилиши, кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари – дружиналар ва командалар тарзида ташкил этилиши, тегишли маъмурий-ҳудудий бирликнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизимига кириши “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунда белгилаб берилди.

Мамлакатимизда суғурталаш ишлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 ноябрь кунидаги ЎРҚ-730-сон “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 октябрдаги ПҚ-5265-сонли “Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 январдаги

38-сонли “Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг, оддий аскарлар ҳамда бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларнинг давлат мажбурий суғуртаси тўғрисида”ги ва 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларига асосан тартибга солинади [1-4].

Ўзбекистон Республикаси шароитида олиб қарайдиган бўлсак, ёнғин ўчириш ишларида иштирок этувчи ФВВ тузилмалари ҳарбий хизматчи ва хизматчилари, шунингдек идоравий ёнғиндан сақлаш хизмати хизматчилари ҳамда корхона ва ташкилотларда иш фаолиятини юритадиган кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати таркибига киритилган ишчи ва хизматчиларнинг ёнғин ўчириш вақтида оладиган жароҳатлари, улар томонидан ёнғин ўчириш ишларида фойдаланиладиган ёнғин ўчириш техникаларини белгиланган тартибда (давлат ёки кохона ва ташкилот томонидан) мажбурий суғурта қилиниши мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган.

Бироқ, аҳоли пунктларида ташкил қилинган кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари аъзолари, кўнгилли ёнғин ўчирувчилар ҳамда умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида ташкил этиладиган ёш ёнғин ўчирувчилар дружиналари аъзоларининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини суғурталаш масаласи ёнғин хавфсизлиги соҳасида қабул қилинаётган ва суғурталаш соҳасида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топмаган.

Conclusion. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари аъзоси, кўнгилли ёнғин ўчирувчи ёки ёш ёнғин ўчирувчилар дружиналари аъзоси бўлган ҳолда, ёнғин ўчириш ишларида орттирган жароҳати эвазига жабрланувчи сифатида кўрилган моддий зарарнинг ўрнини тўлдириш учун суғурта товларини олишдан маҳрум қилади. Мазкур муаммо ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари олдида турган энг муҳим масалалардан бири саналади, бинобарин, бу муаммо кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари ва ёш ёнғин ўчирувчилар дружиналарини тузиш, уларнинг иш фаолиятини тўғри йўлга қўйишда жуда кўплаб қийинчиликларни келтириб чиқаради.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси 2009 йил 30 сентябрдаги ЎРҚ-226-сон “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 октябрдаги ПК-5265-сонли “Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори,
3. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 ноябрь кундаги

ЎРҚ-730-сон “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

5. А.А.Туляганов, Б.Т.Акрамходжаев Ҳорижий мамлакатларда суғурта муносабатларининг ташкил этилиши // “Ўзбекистон Республикасида ёнғинга қарши суғурта институтини ўрнатиш муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами (2019 йил 30 апрель). ФВВ Академияси – Т.: 2019. 3-15 бетлар.